ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 239 (10.544) / 2005 ЙИЛ 9 ДЕКАБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

• **ЭРТАГА** 292-мактабда "Камолот" ЁИҲ Бектемир туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан "Аждодларимиз ва бой тарихимиз — буюклик рамзи" мавзуида ўтказиладиган семинарда ўқувчилар, "Камолот" ЁИҲ сардорлари иштирок этишади.

• **КЕЧА** Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши ҳамкорликларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишлаб фаол ёшлар иштирокида сайил ташкил этилди.

• **ТОШКЕНТ** Ахборот технологиялари университетида «Маънавият ва маърифат» марказининг Юнусобод туман бўлими ташаббуси билан «Сен қонунни биласанми?» мавзуида уюштирилган кўрик-танловда иқтидорли талабалар беллашишди.

• **ШАЙХОНТОҲУР** туманидаги «Исломобод» гузарида туман ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида хайрия тадбири уюштирилди.

• **237-МАКТАБДА** Усмон Юсупов, «Учувчилар», «Қумариқ» маҳаллалари фаоллари ва ёшлари иштирокида «Маънавият ва маърифат» марказининг Сергели туман бўлими, Тошкент Давлат юридик институтининг тарғибот гуруҳи ҳамкорликларида «Мустақиллигимизнинг — мустаҳкам пойдевори» мавзуида тадбир ўтказилди.

• **КЕЧА** Бектемир туман марказий кутубхонасида туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида уюштирилган "Ўз ҳуқуқингизни биласизми?" кўрик-танловида китобхонлар ҳамда 291-мактабнинг юқори синф ўқувчилари иштирок этишди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

"Нафис олам" масъулияти чекланган жамиятида наъматак мевасидан тайёрланаётган шифобахш чойлар инсон саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

**СУРАТДА: корхона менежери Камола Ғуломованинг маҳсулотни харидорларга етказиб беришда ҳиссаси катта.**



# ЮКСАК МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

**Ҳар йили мамлакатимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами — Мустақиллик куни арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонларига мувофиқ кўплаб ҳамюртларимиз меҳнат ва жамоат ишларидаги алоҳида эришган ютуқлари, мамлакатимиз ривожи ва халқимиз фаровонлигига қўшган катта ҳиссаси учун Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланади.**

Бу йили ҳам Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида маданият, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, бошқа кўплаб соҳа вакиллари орден ва медаллар,турли унвонларга сазовор бўлди.

Конституция куни олдидан Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган бир гуруҳ шаҳримиз фаоллари -давлат, жамоат ташкилотлари, тижорат, бошқа тузилмалар вакилларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

— Авваламбор барчангизни Конституция куни билан қутлашга ижозат берсангиз, — деди, хусусан, тақдирланганларни табриклаб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ўткир Султонов. — 1992 йилнинг 8 декабрида миллати ва эътиқодидан қатъи назар жамиятимизнинг барча аъзолари ҳуқуқ ва манфаатларини ўз ичига олган давлатимизнинг Бош Қомуси қабул қилинганди. Конституция туфайли биз том маънода Мустақилликнинг барча буюк неъматларидан баҳраманд бўлишга эришмоқдамиз. Айнан Конституциямиз қабул қилинган кунда давлат томонидан меҳнати юқори баҳоланган фидойи инсонларни тантанали тақдирлаш маросимини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолган. Шуни алоҳида таъкидлаб айтиш лозимки, ушбу анъананинг татбиқ этилиши Бош Қомусимизнинг моҳияти ва аҳамиятининг ёрқин ифодасидир. Кун сайин мустақил давлатимизнинг бош шаҳри — азим Тошкентимиз чирой очиб, обод бўлиб бормоқда. Бунда қурувчилар, меъморлар, лойиҳачилар, иқтисодчилар, барча соҳа вакилларининг хизмати каттадир. Бинобарин, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, маданий юксалишига ўз истеъдоди, билим ва тажрибаси билан муносиб ҳисса қўшган, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишда метин ирода намуналарини кўрсатган Сиздек заҳматкаш инсонларга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топшириш катта шарафдир...

Ҳар бир инсоннинг самарали меҳнати мамлакатимизнинг демократия ва порлоқ истиқбол сари тараққий топишига хизмат қилади. Бундай меҳнат алоҳида тақдирланиши ҳам табиийдир. Бугунги кунда, дарҳақиқат, бутун республикамиз каби мамлакатимизнинг пойтахти азим Тошкентимизнинг юраги бўлмиш Эски шаҳар ўзгача қиёфага эга бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмини қайта таъмирлаш ва ривожлантириш махсус концепциясига асосан бу йили ҳам шу ҳудудда кенг қамровли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари давом эттирилди. Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги олдидан бир қатор янги бино ва иншоотлар фойдаланишга топширилди. Улар орасида Ёшлар ижодиёти маркази, Миллий либослар галереяси, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи меъморчилик намуналарига айланди, «Чорсу» ва «Эски Жува» бозорлари замон талабларига мувофиқ қайта таъмирланди, Собир Раҳимов, Шайҳонтоҳур, Миробод, Сергели ва бошқа туманларда ҳам катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шубҳасиз, бунда авваламбор қурувчилар, шу жумладан «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланган «Кўприкқурилиш трести» давлат унитар корхонасининг 13-кўприк қурилиш жамоаси бошлиғи Абдулла Юсупов, «Шуҳрат» медали соҳиблари 67-кўприк қурилиш ташкилоти монтажчиси Набижон Орипов ва «12-трест» акциядорлик жамиятининг 2-механика колоннаси бош муҳандиси Абдувоҳид Дадамуҳамедовнинг, бир қатор бошқа соҳа вакилларининг хизматлари ҳам алоҳида.

**Давоми 2-бетда.**

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

• **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилиши "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг муҳокамасига бағишланди.**

• **"Камолот" ЁИҲ Марказий Кенгашида мамлакатимизнинг бир гуруҳ фаол ёшларига "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишонлари топширилди.**

• **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда Термиз шаҳрида ўтказган қўшма ҳайъат йиғилишида "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Президент Фармонининг воҳадаги ижроси кенг муҳокама қилинди.**

• **Тошкент тиббиёт академияси Урганч бўлимининг минга яқин талабаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллиги ҳамда якунланаётган Сиҳат-саломатлик йилига бағишланган енгил атлетика марафонида иштирок этди.**

• **Жиззах шаҳридаги енгил саноат коллежига 94 миллион 429 минг сўмлик хориж ускунаси келтириб ўрнатилди. Италияда ишлаб чиқарилган замонавий тўқув машинаси Осиё тараққиёт банки кредити ҳисобига келтирилди.**

### Жаҳонда

• **Мамлакат Президенти Александр Лукашенконинг билдиришича, Белоруссия яқин фурсатда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига қабул қилиниши мумкин. Лекин ҳозирча аъзолик кузатувчи мақомида бўлади.**

• **Ироқнинг собиқ раҳбари Саддам Ҳусайн устидан олиб борилаётган суд жараёни маълум сабабларга кўра 21 декабрга қадар тўхтатилди.**

• **Кеча Швейцариянинг Женева шаҳрида Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятларининг янги нейтрал белгиси тасдиқланди.**

• **Халқаро футбол федерацияси 2006 йилда Германияда ўтказиладиган футбол бўйича жаҳон чемпионатида янги турдаги электрон микрочип мосламали тўплардан фойдаланмасликка қарор қилди.**

*Обуна — 2006*

# ДИЛКАШ СУҲБАТДОШИНГИЗ БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ

## У ҲАР ҲАФТАДА БЕШ МАРОТАБА ХОНАДОНИНГИЗГА КИРИБ БОРАДИ

Азиз оқшомхон! Шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида газета ва журналларга обуна ишлари давом этмоқда. Жумладан, Сиз севиб мутолаа қиладиган "Тошкент оқшоми" газетасига ҳам 2006 йил учун обунани расмийлаштиришингиз мумкин.

Албатта, қарс икки қўлдан чиқади. Қайсики нашр мазмундор ва қизиқарли мақолалар билан ўқувчига манзур бўлса, унинг муштарийлари ҳам ўз-ўзидан ортиб боради. Мана шу ниятда барча нашрлар қатори бизнинг "Оқшом" таҳририяти аъзолари ҳам ўз ихлосмандларининг таклиф ва истакларидан келиб чиқиб, келгуси йилда газетани янада ўқимишлироқ қилиш мақсадида бир қатор режаларни белгилаб қўйди. "Оқшом" газеталари 2006 йилдан бошлаб янги-янги рукнлар остида ранг-баранг мавзудаги мақолаларни ўз саҳифаларида ёритиб боради. Шундай экан, Сизга ҳар доим энг яқин ҳамдам, ҳамфикр ва маслаҳатгўй бўлиб келган севимли нашрингизга обуна бўлишга шошилинг. Шундагина янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб "Оқшом" хонадонингизга ўзи кириб боради. Бизнинг нашр кўрсаткичимиз — **563**. Йиллик нашр баҳоси **30.780** сўм қилиб белгиланган.





# ЮКСАК МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Давоми. Боши 1-бетда.

— Бундай қувончли ва ҳаяжонли дақиқаларни сўз билан ифодалаш қийин ва, ўйлайманки, бундай туйғу айни пайтда ҳар бир мукофотланганнинг дилини қамраб олган, — деди «Маҳалла» жамғармаси Яккасарой тумани бўлими раиси Рўзи Турсуналиев. — «Дўстлик» ордени — юксак мукофот, у менга берилган бўлсада, аслида 120 минг кишидан иборат туман аҳолисининг хизматига берилган муносиб баҳо деб биламан. Туманимиздаги 17 та маҳалла фуқаролари номидан бизга билдирилган катта ишонч учун мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман. Бу ишончни оқлаш осон эмас, бироқ бор куч ва имкониятимизни сафарбар этишга ҳаракат қиламиз...

— Ўзбекистондек жаннатмакон мамлакатда меҳр-оқибатли ва меҳмондўст кишилар орасида яшаётганимдан қувончим ичимга сиғмайди. Бу шунчаки баландпарвоз гаплар эмас. Фақат Истиқлол туфайлигина менинг бундай арзимас меҳнатим юксак баҳоланди, — деди ҳаяжон ила «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамияти созловчиси Алексей Яковлев. — Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида, барча соҳалар каби бизнинг корхонамизда ҳам ўзига хос қийинчиликлар мавжуд. Бироқ ҳукуматимиз, бевосита республикамиз Президенти Ислом Каримов томонидан қаратилаётган бундай эътибор барча қийинчиликларни енгишга ва фақат олдинга ҳамда шахдам қадам ташлашга ёрдам бермоқда. Меҳнатимнинг «Дўстлик» ордени билан тақдирланиши — бу заводимизнинг кўп миллатли жамоаси меҳнатининг эътирофи ҳамдир. Ишончим комилки, Тошкент трактор заводи албатта мустақил мамлакатимизнинг иқтисодиёти юксалишида етакчи ўринларни эгаллаб қолади.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлари маркази (ИТМТМ) Телекоммуникацияларни стандартлаш Европа институтининг /ETSI/ аъзосига айланди. Мазкур муҳим воқеа Франциянинг Ницца шаҳрида ETSIнинг навбатдаги 46-бош ассамблеясида рўй берди. ETSI бош директори К.Розенброк ИТМТМ директори М.Маҳмудовга тегишли сертификатни топширди.**

# ЎЗБЕКИСТОН - ETSI АЪЗОСИ

Ўзбекистон ETSI ҳамжамиятига аъзо бўлган 57-мамлакат бўлди. Алоқа маъмурияти, телекоммуникация операторлари, ускуналар ишлаб чиқарувчилар, фойдаланувчилар, илмий-тадқиқот ташкилотлари ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) стандартлаш соҳасида жаҳон телекоммуникация ҳамжамияти томонидан эътироф этилган ушбу нуфузли институт аъзолари ҳисобланади.

Мазкур институт ташкил этилган 1988 йилдан буён 14 мингдан ортиқ стандарт, меъёр, техник тасниф, талаблар ва бошқа ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва нашр этилди. Уларнинг энг машҳурлари GSM, UMTS уяли алоқа тизими стандартлари, TETRA транкинг тизими, DECT симсиз уланиш тизими, DVB, Евро-ISDN рақамли узатиш тизимлари ва бошқалардир. Ҳозирги пайтда 3-авлод уяли алоқа тармоқлари, йўлдош тизимлари, ахборот хавфсизлиги, Интернет, электрон имзо, терминал ускуналари ва уланиш воситалари, электромагнит мувофиқлик, кенг полосали радиотармоқ каби соҳаларда стандартлар ишлаб чиқиш устида иш олиб борилмоқда.

ETSI минтақавий ташкилот бўлишига қарамай, у томонидан қабул қилинган стандартлар бутун дунёда тан олинган ва қўлланилмоқда. ETSI ўз фаолиятини бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

Энди Илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлари маркази ETSIнинг стандарт ва меъёрларидан фойдаланиш, янги стандартларни ишлаб чиқишда иштирок этиш, телекоммуникация соҳасида ривожланиш ва бошқариш масалалари бўйича маълумот алмашиш имконига эга бўлади. Бу борада халқаро майдонда ишлаш тажрибаси орттирилади, алоқа маъмуриятлари, телекоммуникация операторлари, ускуналар ишлаб чиқарувчилар, илмий-тадқиқот ташкилотлари вакиллари билан алоқа ўрнатиш имкони пайдо бўлади.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда ETSI стандартларини жорий этиш жараёни бошланиб, мутахассисларнинг малакаси ошади.

Марказ мутахассисларининг таъкидлашича, Ўзбекистонда замонавий техника ва янги технологияларни жалб қилиш учун шароит яратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Европа ва жаҳон тармоқларига Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларининг жадал интеграциялашувига ёрдам беради, мамлакатимиздаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва стандартларнинг Европа ва жаҳон ҳамжамиятининг тегишли ҳужжатларига мослашиш олиб келади.

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

*Қарорни ўқиб...*

# АСОСИЙ МАҚСАД — ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ

**Тошкент тиббиёт институтини (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси) тамомлаганимга қарийб ўттиз йил бўлди. Меҳнат фаолиятимнинг йигирма олти йили айнан Тошкент шаҳар болалар шифохонаси билан боғлиқ. Бу ерда оддий врач сифатида иш бошлаб, бугунги кунда олий тоифадаги педиатр-шифокор даражасига эришдим.**

1981 йилдан буён шифохонанинг пульмонология бўлимига етакчилик қилиб келяпман.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тиббиёт тизимини тубдан ривожлантириш, шифокорларнинг заҳматли ва масъулиятли касбини эъзозлаш, улар учун қулай меҳнат шароитини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Натижада шифо муассасаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланяпти. Мутахассисларимиз тараққий этган хорижий мамлакатларда билим ва тажрибасини бойитмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Мазкур Фармонда белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилиши ўз самарасини бермоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизими жорий этилди. Ихтисослаштирилган тиббий марказлар ишга туширилиши кўплаб оғир хасталикларни даволаш ва ногиронликнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Кейинги йилларда шошилинч ва тез тиббий ёрдам хизмати ходимларининг мансаб маоши сезиларли даражада оширилгани, республика ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг прогрессив шакллари жорий этилгани бу фикрнинг исботидир.

Яқинда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга оид қарори эълон қилинди. Мазкур ҳужжат шарафли ва масъулиятли касб соҳиблари - шифокорлар меҳнатини рағбатлантиришга бўлган эътиборнинг яна бир намунасидир. Унда кейинги йилларда мамлакатимизда халқимиз учун соғлом ва муносиб турмуш шароитини яратиш, ҳамма фойдалана оладиган ва сифатли соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилгани қайд этилган. Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида ҳар бир тиббиёт ходимининг ўз профессионал савияси ва қобилиятини муттасил оширишга интилишига ундайдиган барқарор моддий манфаатдорликни яратиш зарурлигига эътибор қаратилган.

Инсон саломатлигини муҳофазалашда тиббиётнинг ҳар бир йўналишининг ўзига хос аҳамияти бор. Аммо унинг баъзи тармоқлари нисбатан жуда мураккаб. Масалан, неонатология соҳаси... Турли салбий омиллар туфайли ой-куни тўлмай дунёга келган чақалоқ ҳаётини асрашда мазкур соҳа мутахассисларидан ниҳоятда юксак маҳорат, масъулият ва инсонийлик талаб этилади.

Юртбошимизнинг қарорида ана шундай мураккаб йўналишларда ишлаётган шифокорлар меҳнатини рағбатлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг салмоқли қисми истиқомат қиладиган қишлоқ жойларда ишлайдиган шифокор-мутахассислар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида ҳам тегишли йўл-йўриқлар белгилаб берилган.

2006 йилнинг 1 январидан бошлаб ҳар бир тиббиёт муассасасида Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиши эса биз учун муҳим янгилик бўлди. Қарорда мазкур жамғармани шакллантириш манбалари ва унинг фаолият йўналишлари аниқ кўрсатилган.

Буларнинг барчаси ўз касбига содиқ, беморларга тез ва малакали тиббий ёрдам кўрсата оладиган шифокорлар меҳнатини холис баҳолаш ва рағбатлантиришда, уларнинг билим ва малакасини муттасил ошириб боришда, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда, пировардида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат даражаси ва сифатини янада юксалтиришда муҳим омил бўлади.

**Маҳбуба РУСТАМБЕКОВА,**
**Тошкент шаҳар болалар шифохонаси бўлим мудири**
**ЎзА**

# ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ЯКУНЛАНДИ

**Ўзбекистон пойтахти икки кун давомида дунёдаги етакчи энергия ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи давлатлар вакилларининг халқаро анжуманига мезбон бўлди. Унда йирик компаниялар ва нуфузли тадқиқот марказларининг раҳбарлари, соҳа янгиликларини ёритувчи қатор хорижий газета ва журналлар вакиллари Марказий Осиё ва Касбийбўйи давлатларидаги ёқилғи-энергетика мажмуининг аҳволи, хомашё савдоси, транзит билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди.**

Сиёсий тадқиқотлар маркази томонидан ташкил этилган «Марказий Осиё энергетика бозори: жараён ва истиқбол» мавзуидаги халқаро конференция нуфузли таҳлилчилар ва йирик амалиётчиларнинг мазкур масалалар юзасидан ўтказилган илк учрашуви бўлгани билан диққатга сазовордир.

Сўнгги вақтларда нафақат Марказий Осиё, балки бутун Осиё-Тинч океани минтақасида катта геосиёсий ва геоиқтисодий ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу улкан минтақада энергетика бозори нисбатан юқори суръатда ривожланмоқда.

Бундай вазиятда энергетик хавфсизлик муаммосининг долзарблиги ошади, албатта. Энергияга бўлган эҳтиёж кўпланишининг узлуксизлигини таъминлаш эса ҳам экспортчи, ҳам импортчи давлатларнинг яқин ҳамкорлигини талаб қилади.

Конференцияда халқаро энергетика бозорининг долзарб масалалари муҳокама қилинди, Марказий Осиёдаги углеводород хомашёси экспорти йўналишларининг салоҳияти таҳлил этилди. Минтақамиз мамлакатлари, етакчи экспортчи ва импортчи давлатларнинг энергетика борасидаги сиёсати кўриб чиқилди.

Конференция якунида анжуман илмий ва амалий жиҳатдан ғоят фойдали бўлгани таъкидланди.

**ЎзА**




КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.
Юсуфжон қизиқ Шакаржонов

# ГАП БЎЛИШИ МУМКИН ЭМАС...

**ҲАЖВИЯ**

Нуржон ҳайҳотдек ҳовлили участкасини сотиб, шаҳар чеккасидаги кўп қаватли уйлардан бирига кўчиб ўтди. Ортиб қолган пулни яхши ният билан яшириб қўйди. "Камбағал бўлсанг кўчиб кўр" деганларидек, ашқол-дашқоллар кўпайиб кетган экан, нақ уч машинага юк бўлди. Яхшиямки, яқинда танишган қўшниси — иккинчи қаватдаги Иззат бор экан, жонига оро кирди. Қисқаси, кўчишга охиригача бош-қош бўлди. Янги уйни илк бор «ювиш»да ҳам қатнашиб, шундай таъсирчан қадаҳ сўзи айтдики, Нуржон кўнглида у билан «бир умрли дўст» тутиниб қўйди. Шу-шу уйига меҳмон келса ҳам ёки тансиқроқ таом тайёрланганда ҳам Иззат чақириладиган бўлиб қолди. Ҳар икки гапининг бирида: «Бажонидил, гап бўлиши мумкин эмас», деб тавозеланиб туриши оила аъзоларига хуш ёқиб қолганди. "Ён қўшни жон қўшни" деганларидек, Нуржонлар кўчиб келганига бир ой бўлган куни кечкурун Иззат «яримта» кўтариб кирди. Ичкилик охирлаб, навбат чойхўрликка келганда дардини дастурхонга тўкди:

— Нуржон ака, мен сизни ҳақиқий акам деганман, гап бўлиши мумкин эмас, бир гап айтсам кўнглингизга келмасмикан?..

— Бемалол, сиздек укадан жонини аяган номард. Тортинмай айтаверинг.

— Шу денг, "гилам сотсанг қўшнингга сот, бир чеккасида ўзинг ўтирасан" деган гап бор. Ахир, менда бўлса ярмиси сизники-да! Анчадан бери мисқоллаб пул йиғиб юраман, жилла қурмаса «Тико»да юрайлик деб, шунга озгина етмай турибди. Гап бўлиши мумкин эмас, машина тўрида ўзингиз ўтирасиз.

— Шунга шунчами, Иззатбек, қанча керак ўзи?

— Беш минг кўкидан бўлса, олам гулистон... Кечаю кундуз киракашлик қилиб, уч ой ичида омонатингизни қайтараман, хоҳласангиз, бу аҳдингизни нотариал идора орқали...

— Йўғ-ей, нималар деяпсиз, унда ака-укалигимиз қаерда қолади?! Мен ҳозир...

У яшириб юрган пулларини «укаси»га қўш-қўллаб топширар экан, қўшиб қўйди: «Яхшиликка буюрсин!»

Ҳаш-паш дегунча, уч ой ҳам ортда қолди. Ора-сира «акаси»никига чиқиб турган Иззат энди қорасини кўрсатмасди. Оз фурсат ўтиб ҳамма нарса маълум бўлди: «Иззат кеча кечаси Қозоғистонга кўчиб кетибди. Аниқ қаердалигини ҳеч ким билмайди. Фақат қўшнисига: «Сизларни кўришга келиб тураман, гап бўлиши мумкин эмас» деган ваъдани бериб кетган эмиш.

Уста НАБИ

# БИРИНЧИ МАРТА МЕН АЙТДИМ

**Ҳангома**

Касбим ўқитувчи бўлгани учун синфдаги ҳамма болаларнинг қандайлигини беш қўлдек билиб олганман. Шундай ўқувчилар борки,... Келинг, улардан биттаси ҳақида айтиб берақолай.

Отаси тижоратчи бўлганиданми, ҳар қолда Жумабой ҳисоб-китобдан аълочи эди, аммо қолган бошқа фанлардан зўр-базўр унга уч баҳо қўярдим. Бир куни жуғрофиядан дарс бораётганида уни яна синамоқчи бўлдим. Нега деганда унинг отаси кейинги пайтларда тижорат ишлари билан хорижга ҳам борадиган бўлганди. Шояд, отанинг хорижга бориб келиши ўғлига ҳам таъсир этгандир, дея ўйлагандим-да!

— Қани, Жумабой Айдаров, ўрнингдан туриб, мана ви ер юзи харитасидан Греция мамлакатини кўрсат! — дедим. Саволимга жавоб топиш учун у харита олдида анчагача индамай туриб қолди, ҳатто, айтиб юборишармикан, деган ўйда синфдошларига ҳам қараб қўйди. Кимдир, сал шивирлагансимон товушда "Ўрта ер денгизи қирғоғида" деб юборди. Бу гапни Жумабой дарров илиб олиб, менга юзланди:

— Агар янглишмасам Ўрта ер денгизи қирғоғида.

— Жуда соз, — дедим ҳеч нарсани билмагандек бўлиб. — ўша Ўрта ер денгизи қани, кўрсат-чи?

У харитадан Ўрта ер денгизини роса излади, уни охири топиб, қўлидаги таёқча билан бир чеккасини кўрсатди.

— Хўш, Греция шу денгиз қирғоғига жойлашган, дединг. Энди бемалол топарсан, кўрсат-чи?

Жумабой қизариб-бўзариб Грецияни топа олмади. Синфдошларига қараганди, ҳеч ким айтмади.

— Биласан, Жумабой, — дедим унга тарихдан мазаси йўқлигини янада билдириш учун атайлаб, — Греция жуда қадимий мамлакат. Буни тарих дарсида ҳам ўтгансизлар. Наҳотки, тополмасанг?

— Топардиму, аммо, жуда қадимий мамлакат, деяпсиз. Балки, қадимий бўлганидан йўқолиб кетгандир!

— Ўтир, баҳоинг "2" — дедим жаҳл билан.

— Икки қўйманг, илтимос. Лоақал тўрт қўйинг, — ёлворди Жумабой.

— Нега тўрт қўярканман, шундай қадимий мамлакатни ҳам тополмадинг-ку?!

— Ахир, қадимий мамлакатнинг йўқолиб кетганини биринчи маротаба мен айтдим-ку!

Жумабойнинг бу гапига бутун синф кулиб юборди, ҳатто, ўзим ҳам кулдим. Шу боис унга бу сафар баҳо қўймадим.

Қорақалпоқчадан
Одил ҚОДИРОВ
таржимаси

# АФАНДИ ЛАТИФАЛАРИ

Қимматчилик йилларида бир зиқна бой Афандини ер чопитиргани мардикор сифатида боғига олиб келибди. Афанди нонушта қилмаган экан, бойга:

— Хўжайин, иш бошлашдан олдин чой-пой ичиб олсам бўларди, — дебди.

Бой хотинига нонушта келтиришни буюрибди. Бир чойнак чой билан дастурхонда яримтагина зоғора нонни кўрган Афанди бойга:

— Шу бир бурда зоғора билан ер чопиб бўладими, тақсир?! — дебди энсаси қотиб.

Шунда бой:

— Бу зоғорани емабсиз, оламга келмабсиз. Бир бурдаси кучлилик қилиб ҳали сизни кўтариб юборади! — дебди хотиржам ва ўзи тез бозорга бориб келишини айтибди.

Бой бозордан қайтиб келиб, қараса, ерга бир кетмон ҳам урилмаган. Мардикор эса еру кўкда йўқ эмиш. Бой Афандини қидириб, ниҳоят томорқасидаги ёнғоқ дарахти устидан топибди. Қараса, у елкасида кетмон, дарахт-нинг энг юқоридаги шохида ўтирганмиш.

— Ия, ҳормасинлар, ишламай дарахт тепасида нима қилиб ўтирибдилар?! — дебди бой ҳайрон бўлиб.

Шунда Афанди:

— Ҳали тўғри айтган экансиз. Зоғора зўрлик қилиб денг мени кўтариб юборди, — дебди.

* * *

Тумонат одам тўпланган жойда Афанди полвонларнинг курашини томоша қилаётган экан. Бир нечтасининг курагини ерга теккизган ғолиб полвон томошабинларга мурожаат қилибди:

— Ораларингизда мен билан беллашадигани бўлса ўртага чиқсин!

Ҳеч кимдан садо чиқмабди. Яна у одамларга қараб:

— Кураш тушишга талабгор борми? — дебди.

Шунда Афанди «Бир уриниб кўрмайманми? Зора Худо қувват ато этиб полвонни енгсам» деган ниятда ўртага тушиб:

— Талабгор бор! — дебди ғозланиб.

Полвон Афандининг белидан даст кўтариб олиб, даврада уни анча вақт айлантириб юраверибди, юраверибди. Афанди ҳам «Буёғи нима бўларкин?» деб, кўзларини пирпиратиб полвоннинг кучоғида ҳайратланиб тураверибди. Шунда полвон Афандини янада юқорироқ кўтариб туриб, ерга зарб билан бир урибди. Ғиқ этиб ерга тушган Афанди даврада довдир-совдир қилиб чиқиб кета туриб нима дермиш:

«Мени кўтариб олиб, нега шунча вақт айлантириб юрди десам, хумпар заранг жойни қидираётган экан?!»

Жаҳонгир ПИРМУҲАМЕДОВ

# ХАНДАЛАР

Афандиникида сувоқчи ишлади. Афанди устанинг қилган ишига разм солса, қилган сувоғи ғадир-будур, қингир-қийшиқ, ҳеч текис чиқмаган.

— Уста, — деди Афанди, — буёққа қаранг.

Сувоқчи қилган ишини кўриб андавасини кўрсатди:

— Андавам қийшиқ бўлса керак-да?

— Йўғ-а, — деди Афанди кесатиб, — балки лой қийшиқдир?

— Тўғри, шундай бўлиши ҳам мумкин, жавоб берибди парво қилмай сувоқчи.

* * *

Уста шогирдига бир иш буюриб ўзи юмуши билан қаёққадир кетди.

Қайтиб келса айтилган иш қилинмаган, шогирд бола эса мудраб ўтирибди.

Дарғазаб бўлган уста:

— Ҳай, нима иш қилдинг ўзи, айтганларимни бажармабсанку?

— Бекор ўтирганим йўқ уста, иш вақтим тугашини пойлаб ўтирдим. — жавоб берди шогирд безрайиб

*Бир чимдим кулги*

# БУ КИНОНИ КЎРГАНДИМ

— Ҳамёнимни ўғирлаб кетишди.

— Милицияга бордингми?

— Бордим. лекин улар олишмаган экан.

* * *

Бир изқувар жиноятчининг кетидан кузатиб юриб, йўқотиб қўйибди. Уни полиция бошлиғи чақирибди:

— Қандай қилиб жиноятчини йўқотиб қўйдингиз!

— У киноға кириб кетди, мен бу кинони кўрган эдим.

* * *

Полиция бошқармаси қидирилаётган жиноятчининг олти хил тарзда олинган суратини ҳамма участкаларга тарқатади. Орадан кўп ўтмай, участкаларнинг биридан шундай ахборот келди: «Бештасини қамоққа олдик, олтинчисининг кетидан кузатяпмиз».

* * *

Икки ўғри бировнинг уйини тунаяпти. Бирдан полиция машинасининг чинқириғи эшитилди.

— Полиция! Дарров ўзингни ташла!

— Қизиқмисан, ўн учинчи қаватдан-а?

— Ҳозир ирим-сиримнинг вақти эмас!




*Тавба, ой тўртта бўлиб чиқибти-я*
**Абдурасул Ҳакимов чизган расм.**

**Саҳифа материалларини кулги устаси Валижон ШАМШИЕВ (Чаққонбек) ва ОҚШОМБЕКлар тайёрлашди.**

**Қишнинг совуқ кунлари бошланиши арафасида, шунингдек илиқ қиш кунларида дарахтларнинг тилла-қизғиш япроқлари кўзни қувнатади. Аста-секин эсаётган шаббода эса, ушбу япроқларни ўрнашиб олган жойидан юмшоқлик билан узадида ерга капалакдек улоқтиради. Гиламдек тўшалган барглар устида сайр қилиш ёқимли ҳис бахшида этади одамга.**

*«01»*

# БОЛАЛАРИМИЗ СОҒЛИҒИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Аммо минг афсуслар бўлсинки, баъзи-баъзида ана шу гўзалликка доғ туширадиган ишлар ҳам оёқ остидан чиқиб қолади. Эрта тонгда фаррошларимиз шаҳримизнинг кўча ва боғларида хазонларни супуриб, тўда қилиб тўплаб шаҳримизнинг кўркига доғ туширадилар.

Тўпланган барглар қуёш нурида қуриб, қовжираб тез алангаланувчи воситага айланади. Ана шундай ҳолатларда кимларнингдир эътиборсизлиги, лоқайдлиги ёки болаларнинг шўхликлари сабаб бўлиб бу хазонлар ёқиб юбориладди. Хазонларнинг устки қисми тез ёниб тугагани билан унинг остидаги ҳўл барглар ёнмасдан, тутаб, ундан чиққан аччиқ тутун теварак-атрофга тарқалади. Натижада атрофни аччиқ ва қўланса ҳид қамраб олиб, кўзни ачитади. Ёнаётган олов ва тутун атроф-муҳитга катта зарар келтираётганлигини барча фуқаролар билсада, «Бу менинг ишим эмас» қабилида иш тутадилар.

Сергели туманидаги 37-болалар поликлиникасининг шифокори Муқаддам опа Максудова билан суҳбатлашганимизда у киши қуйидагиларни сўзлаб бердилар. «Кўпинча кўчаларда, мактабларда, болалар боғчаларида тўкилган хазонларни болаларга супуртириб уни ёқиб юборишади. Ишнинг бу йўсинда ташкил этилиши поликлиникамизга келаётган беморлар сонининг ортишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, астма касали бор инсонлар нафас олишга қийналадилар, шамоллаб нафас олишга қийналаётган беморларга ҳам тутун жиддий таъсир этади. Агарда ушбу йиғилган хазонларни ёқмасдан, балки шаҳар четига олиб чиқилса ёки махсус жойга кўмилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки олов бола кийимларига ҳам тез ўтиб кетиши мумкин.

Дарҳақиқат, фарзандларимизга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўргатишга ҳеч вақт эринмаслик даркор. Уларнинг соғлом, бақувват бўлиб ўсишлари бизнинг қўлимиздадир. Озгина эътиборсизлик қилиб, фарзандларимиз соғлиғига, чиройига зарар етказиб юз минг оҳ-воҳ чеккандан кўра шу нарсага қарши биргаликда кураш олиб борганимиз маъқул.

**Шерзод АВЛИЯЕВ,**
**Сергели тумани Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси инспектори, катта лейтенант**

*Табиат*

# САЙРОҚИ ВА КЎРКАМ ҚУШ

**Осмонсой кенгликларини макон қилиб олишган какликлар ҳар куни қуёш бўй кўрсатган паллада тўда-тўда бўлишиб ингичка, майин ва ёқимли сайраши билан кўнгилларга завқ-шавқ бахш этади.**

Қиш фаслида паррандалар озуқа қидириб тепаликдан пастга аҳоли яшайдиган уйлар атрофидаги қўйхона ва молхоналарга боришга мажбур бўлишади.

Табиатда тоғ, чўл ва саҳро какликлари учрайди. Харсангтош, бута ва шох-шаббаларни рангига мосланиб олганлиги туфайли уларни далада тезда илғаб олиш қийин. Бу эса беозор жониворларнинг ташқи хавф-хатарлардан сақланиши ва ҳимояланишида асқотади.

Табиат мўъжизаси бўлган бу кўркам ва беозор қуш хонаки товуқдан кичикроқ бўлиб, ташқи кўриниши малла ранг, кимдир атайлаб бўяб қўйгандек қанотларида бир қанча чизиқлари бўлади. Кўзлари мунчоқдек, тумшуғи, оёқ болдирлари ва панжалари қизил тусдалиги билан бошқа қушлардан ажралиб туради.

Сайроқи қушлар баҳорнинг май ойларида баланд тоғ ён бағирларига кўтарилишиб шувоқ, жингил ва шу каби буталар тагига уя қуриб, ўн иккитадан йигирматагача тухум қўйишади. Улар ўн беш йилгача ҳаёт кечиришади.

Бу сайроқи қушларни овлаш тақиқланган бўлишига қарамай, айрим нопок ва мазахўрак кимсалар макиёни солинган қафасни яширинча ҳавза бўйлари, анҳор ва булоқ ёнларига ўрнатишиб, атрофига жела (тузоқ) қўйишади. Жела йилқиларнинг ёлидан тайёрланади. Қафасдаги каклик сайраши билан теварак-атрофдаги какликлар ўз ҳудудларига бегона қушнинг келиб қолганлигидан безовталаниб, унга талпинишади. Шу тариқа «овчи»лар тузоғига тушиб қолишади.

Ана шундай баҳорнинг илиқ кунларида акалари ортидан эргашиб келган ўн-ўн икки ёшли болакай тухум босиб ётган макиён (урғочи) каклик уясига дуч келиб қолади. Қуш жонивор чўчиб ўн-ўн беш қадам наридаги харсангтош устига бориб қўнди. Эндигина тухумдан чиққан бир нечта жўжалар бир-бирларининг пинжига тиқилишиб мудрашади. Бола уйидаги курк бўлган товуғига бостириш хаёлида уядаги тухумларни дўпписига солишга чоғланган ҳам эдики, макиённинг фиғони чиқиб унинг боши узра айлана бошлади. Шу топда бошқа какликлар ҳам бу ерда пайдо бўлиб, ғала-ғовур кўтарилди. Яхшиям болакай уядаги тухумларга тегмасдан секин-аста бу ердан узоқлашди.

Баҳор ва ёз ойларида какликлар тухум босиб жўжа очишади ва уларни парваришлаб учирма қилади. Бу вақтда сайроқи ва кўркам қушлар расман давлат назоратида бўлади. Қонунбузарлар эса тегишлича жазога тортилади.

**Абдулла САИДОВ,**
**ўқитувчи**

*Биасизми?*

## КЎЛ ТУБИДАГИ ҚИШЛОҚ

Яқинда бир гуруҳ археологлар Рим шаҳридан сал нарироқдаги Браччано деган кўл тубидан бронза даврига оид бўлган қишлоқ изларини топишди.

Сув остининг 12 метр чуқурлигида 300 квадрат метр майдонни эгаллаган мазкур қишлоқнинг теварак-атрофи ёғоч девор билан ўралган. Дуб ходачалардан икки метрли қозиқ тарзида зич қилиб ишланган бу мустаҳкам тўсиқ ҳозиргача сақланиб қолган.

Яна кўл тубидаги лой ва балчиқ орасидан жуда кўп ваза, турли-туман сопол идишлар топилди. Бу топилган ашёлар катта илмий ва маданий қимматга эга бўлиши шубҳасиздир.

## ҲИДЛАР САФАРИ

Конвертда келган хатни қайси шаҳар, қайси мамлакатдан юборилганини қидидан билиш мумкинми? Қаранг, агар хат Бутан (Ҳиндистон шарқий қўшниси) деган кичик мамлакатдан келган бўлса, уни дарҳол фаҳмлаш мумкин экан, чунки бу мамлакат почталари конвертларга атиргул ҳиди анқиб турадиган муҳр уришади. Маълум бўлишича, бу айниқса коллекционерларга ҳурмат юзасидан атайлаб қилинар экан.

## ЭЛЬБРУС ТОПИЛМАСИ

Кўкноридан қорадори (афюн) олиниши ҳаммага маълум. Чунки бу ўсимлик таркибида қорадори тайёрлаш учун зарур бўлган наркотик модда бўлади.

Яқинда Теҳрон университетининг бир гуруҳ олимлари Эльбрус тоғларидан таркибида наркотик моддалар мутлақо учрамайдиган янги тур кўкнори топишди. «Арья-1» деб номланган бу ўсимлик, мазкур университетнинг фармакология факультети декани, доктор Ирож Лаълзорийнинг фикрича, кучли таъсир этувчи алколоидларга бой бўлиб, ундан тиббиётда кенг қўлланилувчи кодеин препарати олиш мумкин. Олимларнинг мулоҳазасига қараганда, агар шу чоққача ўстириб келинаётган «маданий» кўкнори ўрнига ана шу янгиси расм қилинса, бир йўла қорадори гиёвандлигига ҳам қарши курашилган бўларди. Чунки қорадори тайёрлаш учун зарур бўлган наркотик моддалар манбаи барҳам топарди.

## ОДАМЛАР ЯНГЛИШГАН ЭКАН

Одамлар қадим-қадимдан буқани қизил рангни кўргани «кўзи йўқ» деб ҳисоблаб келишган.

Гўё бир бўлак қизил мато новвоснинг ғазабини жунбушга келтирармиш. Олимлар бунинг тўғри ё нотўғрилигини текширишга киришдилар. Бир мунча тажрибалардан сўнг, новвослар умуман ҳеч қандай рангнинг фарқига бормай, балки номаълум буюмнинг бежо ҳаракатигина уларнинг «ғаши»-га тегиши аниқланди.

*Мунажжим башорати*

### 10 ДЕКАБРЬ, ШАНБА

**Бугунги кун ҳар қандай янги ишни бошлаш учун қулай бўлиб, унинг натижаси ижобий бўлиши кутилади. Саёҳатларга йўл олиш, ҳужжатларни имзолаш, таъмирлаш ёки қурилиш ишларини бошлаб юбориш мумкин. Дам олиш учун ҳам бугунги кун хайрли бўлади – фақат эркин ҳаракатлар билан, яъни фаол дам олиш мақсадга мувофиқ.**

Қимматбаҳо тошдан ясалган зеб-зийнатлар сотиб олиш ҳамда маъдан билан ишлаш самарали бўлади. Қуёш тақвими бўйича 25-кун бўлган бугунги кун рамзи бадиий ижод ва санъат соҳасида омад келишини, шунингдек, оила фаровонлигини мустаҳкамлаш ва мўъжазгина оилавий байрам уюштиришни таклиф этади.

Тушлар қатъий равишда ҳар бир кишининг индивидуал ҳаёт тарзига қараб таъбир қилинади. Рамзий маъно касб этувчи тушлар аҳамиятли бўлади.

Бугун юрак-қон томир тизими хасталикларга мойил бўлади. Мияда қон айланиши бузилиши мумкин. Кўзларни зўриқтиришдан ўзингизни асранг.

Ёрқин бўлмаган, ҳимоя рангидаги либослар бугун омадли бўлади. Ёрқин ранглар, айниқса қизил тусли кийимлардан узоқроқ бўлинг. Мисдан ясалган тақинчоқлардан фойдаланишингиз мумкин.

### 11 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА

**Сайёраларнинг она Еримизга нисбатан жойлашиши бирмунча ноқулай бўлиб, бугун жиддий ишларга қўл урмаган маъқул – мунажжимларимизнинг тавсиялари шундай. Узоқ сафарлар ва йирик харидлар муваффақиятли бўлмайди. Таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари хайрли бўлади, аммо жанжаллашиш, муносабатларни жаҳл билан яхшилашга уриниш мумкин эмас.**

Душманларингиз билан ярашиш,ўзингизни хафа қилганларни кечириш, одамийлик ва меҳр-мурувватингизни намоён этиш яхшиликка элтади. Садақа қилинг, совғаcалomлар беринг, паррандалар, жониворларни боқинг, меҳмон кутинг – шу йўл билан ортиқча куч-қувватингизни эзгу ишларга сарфлайсиз.

Қуёш тақвими бўйича 27-кун рамзи одамлар ўртасидаги муносабатларнинг барча қонун-қоидаларига риоя этиш зарурлигини эслатади.Иложи борича чекмаслик ва ўткир ҳидли дезодорантлардан фойдаланмасликни маслаҳат берамиз. Чунки улар баъзи кишиларда қаттиқ изтироб пайдо қилиши мумкин.

Кутилмаганда чироқнинг ўчиб қолиши бугун нохушлик аломатларидан бўлиб, касалликлар, ташвишлардан огоҳлантиришдир. Тасодифан қайноқ сувда куйиб қолиш покланиш белгиси ҳисобланади.

Бу кеча кўриладиган ва ўсимликлар билан боғлиқ барча тушлар эзгуликлардан хабар беради. Айниқса мевалар ва очилаётган гулларни кўриш жуда яхши.

Оқ, сариқ ва олтинранг тусли кийимлар бугунги кун руҳига кўпроқ мос келади. Жигарранг ва қора либосларингиздан бугунча воз кечганингиз маъқул.

**«Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» ОАЖ**
**назоратчи лавозимига**
**ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**
Иш ҳақи ишбай мукофотли.
Ишга кирувчилар ўрта маълумотли, Тошкент шаҳрида рўйхатда бўлишлари шарт.
Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
Тошкент ш., Мовароуннаҳр тор кўчаси, 6-уй. Мўлжал: Митрофанов сув спорти саройи.
**Тел: 133-63-67**

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ**
***Тошкент Давлат цирки 2005 йил 28 декабрдан бошлаб 2006 йил 10 январга қадар***
***БОЛАЖОНЛАР, СИЗЛАР УЧУН!***
***Мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида Тошкент цирки манежида***



**«ҚУВНОҚ САЁҲАТ ЁКИ ЯЛМОҒИЗ КАМПИР ҚАРШИ» ЭРТАК-САРГУЗАШТИ**
Томошалар: 28, 29, 30, 31 декабрда соат 12.00, 14.00, 16.00 да; 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 январда соат 10.00, 12.00, 14.00 ва 16.00 да бошланади. Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда.
Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.
Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.
**Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Илм келажакка ўхшайди, у хилват ва пинхоналикни ёқтиради.

**Илм—инсон зийнати.**
**Қоғозга туширилган илм унутилиб кетмайди.**

Кимки илм билан ақлни оширишга уринса молу давлат ўзи келаверади.

Илм бўлмаса одамнинг ҳайвондан фарқи бўлмас эди.

**Молни ишлатганинг сари озаяди,**
**илм эса кўпаяди.**
**Амалсиз илм—мевасиз ёғоч.**

● Ўзи ҳақида ўйламай, фақат элга илм бериш ҳақида ўйлаган олим киши худди шамга ўхшайди, у ўзини ёндиради ва халқни зиёли қилади.

Ҳақиқий олим шундай киши, унинг сўзи, ўйи, фикри ва иши бир хил бўлади.

Олимнинг ёмонлиги кеманинг синишига ўхшайди. Чунки кема синса ҳам ўзи чўкади, ҳам ўзгаларни чўктиради.

Олим қачонки ўзининг ҳисэҳтиросларининг устидан ҳоким бўлолса шундагина уни олим дейиш мумкин.

Олимлар билан ўтирсанг фойда оласан, чунки гул ёнида ўтирган одамга гул ҳиди уриб қолади.

**Олим кўр бўлса ҳам дунёни кўради,**
**Жоҳил соғ бўлса ҳам узоқни кўрмайди.**

Одамнинг энг ёмони олим бўлиб туриб, фойда келтирмаганидир.

● Тўрт нарса ўлик дилни тирилтиради: устоз, яхши дўст, мувофиқ ёр ва давлату иқбол сабабчиси бўладиган доно ақл!

**БАЙТ:**
**Яхши хотин билан**
**меҳрибон устод,**
**Киши руҳин доим**
**қилади шодон.**
**Улардан ичилган оби**
**ҳаёт сув,**
**Боқий умр берар**
**кишига ҳар он.**

● Оналаримиз бизларни вояга етказиш учун меҳру муҳаббатини ишга солиб, оромидан кечиб, кечалари ухламай, тарбиямизга машғул бўлган. Хафа бўлиб қолсак ёки кўнглимиз бироз ранжиб қолса атрофимизда парвона бўлган, тобимиз қочиб қолса, ҳузурҳаловатини йўқотган ҳам она. Боғбонсиз бирор дарахтнинг меваси яхши бўлмайди. Она эса биз учун боғбондир. У доимо бизни парвариш қилиш пайидан бўлади. Буни фаҳмлаган ҳар қандай бола ўз онасини барча нарсадан устун қўяди ва ҳамиша ҳурматини қилади.

Ақлли фарзанд бир дақиқа бўлса ҳам она меҳрини эсдан чиқармайди, кичкина ишга қўл урганда ҳам онани бундан воқиф қилиб, унинг розилигини олади, айтган сўзларига қулоқ солиб, маслаҳатларига амал қилади, ҳар вақт онани миннатдор қилишга уринади.

*Кўргазмалар*

# «ЎЗБЕКИСТОН МЎЪЖИЗАЛАРИ»

**Ўзбекистон Бадиий академияси қошидаги А.Хўжаев номидаги Дизайн коллежида рассом Жўра Асраннинг «Ўзбекистон мўъжизалари» деб номланган шахсий кўргазмаси давом этмоқда.**

Кўргазманинг очилишида сўзга чиққанлар мусаввир асарларида турфа ранглардаги табиат манзаралари, заҳматкаш инсонларнинг ёр-қин қиёфалари, шунингдек, Ватан манзаралари чиройли акс этганлигини таъкидлашди. Шунингдек, рассомнинг қўёшли Ўзбекистоннинг гўзал манзараларини қоғозга тушириш ижодидаги бош мавзу эканлигини айтиб ўтишди.

Жўра Асран 1993 йилдан буён Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси ҳисобланади. Унинг асарлари Германия, Америка, Франция, Туркия, Италия, Ҳиндистон, Руминия ва Болгария каби мамлакатларда ўтказилган кўргазмаларда муваффақиятли намойиш этилган. Жўра Асран Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий халқаро мукофоти совриндори.

Ушбу кўргазмада унинг 100 га яқин турли жанрлардаги асарлари намойиш этилмоқда. Кўргазма экспозициясига қўйилган «Настарин гули», «Куз», «Ўрикзор», «Олтин япроқлар» каби асарлар орқали юртимизнинг гўзал ва бетакрор манзаралари акс этганлигига гувоҳ бўламиз. Мусаввир ўз асарларида буюк ўтмишдошларимиз ва замондошларимиз қиёфасини акс эттиришга алоҳида аҳамият берган. Айниқса, Аҳмад Фарғоний, Бурхониддин Марғилоний, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Чингиз Аҳмаров, Ўзбекистон халқ артисти Ҳалима Носирова, Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиевалар қиёфаси акс эттирилган асарлари чет элларда ҳам муваффақиятли намойиш этилиб, юқори баҳоланган.



Кўргазма 20 декабрга қадар давом этади.

**Юлдуз РИЗАЕВА**

**СУРАТДА: Жўра Асраннинг шахсий кўргазмасидан лавҳа.**

## ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ТАНИМАСНИ СИЙЛАМАС

Бу иборани ким ўйлаб топган, билмадик. Лекин у ҳарқалай кўпроқ ишёқмас, такасалтанг, ўз фойдасини кўзлайдиган, оқибати ва мансабига қараб хизмат қиладиган кишилар томонидан ўйланган топилма бўлса ажаб эмас.

Арзимас иш юзасидан бир шифохонага бордик. «18-хонага киринг, қон босимингизни ўлчаб қўйишади» дейишди. Хайрият, навбатда ҳеч ким йўқ экан. Эшикни оҳиста очиб, ичкарига киришга рухсат сўрадик.

— Нима гап ота, тинчликми? — сўради ҳамшира билан ширин суҳбат қуриб ўтирган кўзойнакли шифокор.

— Қон босимимни ўлчаб қўйсангиз дегандим.

— Қўшни хонага киринг, адашибсиз.

— Мени шу хонага йўллашган эди.

Бу савол-жавобдан хабар топган оқ халатли аёл тез келиб шифокорга юзланди.

— Вой Аҳмаджон, танимадингизми? Бу отахон ҳалиги...

У шундай дея шифокорнинг қулоғига бир нарсаларни пичирлади.

— Эй шунақами, олдин ўзингизни таништирмайсизми отам, бизда танимасни сийламас деган гап борку. Киринг, ҳозир ест қиламиз.

Шифокорнинг бир зумда бу қадар турланишидан ҳайратда эдик. У чаққон ҳолда тонометрни қўлига олди.

— Қани бу ерга ўтирингчи, — кейин тезгина қурилмани ишга солиб босимни қайта-қайта ўлчади.

— Яхши, ҳеч қандай қўрқувга сабаб йўқ. 130 га 90. Бу сизнинг ёшдагилар учун жуда яхши кўрсаткич.

Шифокорга миннатдорчилик билдирдик. У: «Хафа бўлмайсизда энди» дея яна юқоридаги иборани такрорлади. Биз ҳам «Бетга айтганнинг заҳри йўқ» деганлардек, тилимиз учида турганини тўғри юзига айтдик:

— Кимларгадир танимасни сийламаслик кечиримлидир. Лекин шифокор учун бу кечирилмас ҳол. У муолажага муҳтож бўлса танимаганни ҳам сийлаши керак. Шифокор ўйланиб қолди.

## ЎРГАНГАН КЎНГИЛ

Кўча-кўйда тиламчилик қилиб ўтирган ёшларни кўрсанг кайфиятинг бузилади. Айниқса мактаб ёшидаги баъзи ўсмирларнинг бу ҳолати ҳар қандай кишининг ғашини келтиради. Кечирасизу, ўзини бу кўйга солиб юрган бу бандаларнинг ҳаммаси ҳам чор-ночор эмас. Улар ишламай пул топишга ўрганган кимсалар.

Мен бир оилани биламан. Ота ёш бўлишига қарамай ишламай эрталабдан кечгача чойхонада ётиб улфатчилик қилади. У кийган кийимига унча-мунча пулдорлар ҳам етишолмайди. Рўзғор, ҳовлижой ҳам ўзганикидан қолишмайди. Лекин бутун оила аъзолари кўчада. Хотин тиламчи, иккита мактаб ёшидаги ўғил-қиз тиламчи. Бир куни гапдан гап чиқиб унга ётиғи билан:

— Болаларни ўқишдан қолдириб чакки қиляпсиз, ёшликдан текин пулга ўрганган боланинг келажаги яхши бўлмайди, деган гапни айтиб балога қолдим.

— Нима ўқиб тоғни олиб берармиди? Бола ёшлигидан пул топишга ўрганса нимаси ёмон. Сиз ота ўзингизни билинг, ўзгани қўйинг. Худо ҳар кимнинг насибасини ҳар жойга сочиб қўйган. Агар билсангиз биров ишлаб пул топади, биров ётиб. Бизнинг болалар шунга ўрганган.

Билдимки, қинғир ишни тўғри деб Худони ўртага солган бу одам билан гап талашиб ўтиришнинг ўзи бефойда. Шу топда негадир яқинда кўз олдимда бўлиб ўтган бир воқеа хаёлимда жонланди.

Автобусга ўрта ёшлардаги бир жувон чиқди. Усти-боши бир ҳолатда. У эри касалхонада оғир аҳволда ётганлигини, дори-дармон ва операция учун пул кераклигини айтиб ўтирганлардан садақа сўради. Кўпчилик баҳоли қудрат ёрдам кўрсатди. Шу жувонни шундай ҳолатда уч-тўрт бор кўрдим.

Яқинда уни ясан-тусан кийинган ҳолда Қўйлиқ бозори атрофида учратиб қолдим. Аёлни уч-тўртта башанг кийинган йигитлар қуршаб олганди. Ёмон хаёлга бориб улар томон яқинлашдим.

— Тинчликми, анчадан бери кўринмай қолдинг? — гап қотди йигитлардан бири жувонга.

— Эй ўлсин, автобусма-автобус санғиб юриш жонга тегди. Энди пул топишнинг бошқачароқ йўлини ўйламасам бўлмайдиганга ўхшайди.

— Режангни кейин пишитиб оларсан. Бугун дам олиш куни. Нима қиламиз? Йиққан-терганингни сочарсан энди.

— Бўпти. Қаерга борамиз. Ҳар қалай бир кунлик шоҳона ўтиришга етади пулим.

Бу сўзларни эшитиб қулоқларимга ишонмадим. Ҳаммасидан ҳам аёл ўйлаб топмоқчи бўлган навбатдаги режа мени қизиқтириб қўйди. Энди у одамларни ишонтиришнинг қай усулини ўйлаб топаркин? Барибир ўрганган кўнгил ўртанса қўймас эканда.

## КИМ ЭКАДИ, КИМ КЕСАДИ?

Бу ёш оилага Қорақамишдаги кўп қаватли уйлардан икки хонали хонадон тегди. Кўчиб келинган йили кўпчилик қатори оила бошлиғи Ҳусанжон уй олдидаги ташландиқ ерни ўзлаштиришга киришди. Чопди, ерни қум-тошлардан тозалади. Устидан машиналаб соф тупроқ ағдарди. Хуллас эпақага келтириб экин экди, парваришлади. Йил ўтиб бинойидек томорқага айланган ерниг тўрт бурчагига дарахт экди. Бора-бора бу жойда мевали дарахтлар сони кўпайиб ажойиб соя-салқин боғ пайдо бўлди. Эндигина мевалар ҳосилга кирганда оила аъзоларига бу уй торлик қилди. Улар бошқа жойга кўчадиган бўлиб қолишди.

Ҳусанжон уйнинг янги эгасига хонадон калитини топширар экан қаттиқ тайинлади:

— Шу боғга кўп йил меҳнат сарфладим. Ҳаракатим зое кетмади. Кўриб турганингиздек тошлиқ ерда кўзни яшнатгудек боғ яратдим. Афсус, дарахтлар ҳосилга кирганда бу жойни мажбуран ташлаб кетяпман. Сиздан илтимос шу боғни эҳтиёт қилинг.

Боғнинг янги эгаси Сотволди унинг фикрини бош қимирлатиб тасдиқлагандек бўлди.

Кеч кузак янги оила боғнинг ҳосилини йиғиб-териб олгач, баланд шохлаб кетган уч-тўрт туп мевали дарахтларни кесиб ташлади. Қўниқўшнилар сабабини суриштирса, улар қуюқ дарахт соясидан уйга офтоб тушмаётганини баҳона қилишди. Орадан уч-тўрт йил ўтиб қаровсиз қолган дарахтлар қурий бошлади. Шу боис яна уч-тўрт туп дарахт кесилди.

Кўпчилик Сотволдини ўртага олди.

— Қўшни, сиз иш билан бўлиб боғга қарашга қўлингиз тегмаяпти шекилли, шундай экан уни бизга беринг, биз парваришлайлик. Мевасини биргаликда баҳам кўрармиз, — дейишди. Шунда Сотволди: «Шериклик ошни ит емайди» қабилида гап қилиб қўшниларнинг энсасини қотирди. Шундан кейин бу ишга ҳеч ким аралашмай қўйди.

— Куни кеча йўлим тушиб Қорақамишга бордим, — деб ҳикоясини давом эттирди Ҳусанжон. — Биз бир неча йил яшаган ўша қадрдон уйнинг рўпарасида туриб кўзларимга ишонмай қолдим. Мен яратган боғдан икки-уч тупгина дарахт қаққайиб қолибди холос. Бир янгилик шуки, боғ ўрнида темир панжарали гараж пайдо бўлибди. «Нега бундай бўлди?» деб сўрасам, боғнинг «эгаси» уялмай-нетмай: «Қизиқ экансизку, биродар, йиллар ўтгандан кейин одам ҳам қарийди, ўлади, боғ ҳам шунга ўхшашда", деб мени мот қилмоқчи бўлади. Эссизгина боғ. Шунақа гаплар, отахон, биров экаркан, биров кесаркан.

Ҳа, шунақалардан Яратганнинг ўзи асрасин.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2496 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-209.

1 2 3 4 6